



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАХАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 197 (12.258)

Баҳоси эркин нарҳда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ҚАРОРИ

СПОРТ КУРАШЛАРИ БЎЙИЧА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОЛИМПИА ЗАХИРАЛАРИ МАКТАБИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Республикада кучли мактабга эга бўлган ҳамда Олимпия ўйинлари ва халқаро мусобақаларда юқори натижаларга эришган спорт курашлари олимпия спорт турларидан бири сифатида янада кенг ривожлантириш, иқтидорли ёшларни эркин ва юнун-рум кураши билан мунтазам шугулланишга фаол жалб этиш, уларнинг спорт маҳоратини ошириш ҳамда тренер кадрларнинг салоҳиятини ривожлантириш, шу асосда мамлакатимиз тарма жамоалари учун ишончли заҳирани шакллантириш борасида зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Ўзбекистон Спорт курашлари ассоциациясининг Тошкент шаҳрида Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия заҳиралари мактабини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия заҳиралари мактаби Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги идоравий спорт комплексида тегишли бинолар ва иншоотларнинг бир қисми негизда эркин ва юнун-рум кураши бўйича ёш истеъдодли курашчиларни танлаб олиш ва тайёрлаш билан шугулланадиган ўз интернатида эга бўлган спорт-соғломлаштириш муассасаси сифатида ташкил қилинади;

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия заҳиралари мактабининг умумий контингенти 60 нафар ўқувчини ташкил қилади, улар турар жой, турт маҳал оқват, спорт экипировкаси ҳамда махсус кийим-бош, спорт ускуналари ва анжомлари билан таъминланадилар.

3. Қуйидагилар Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия заҳиралари мактабининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

зарур бўлган тақдирда спорт кураши бўйича хорижий тренерлар ва мутахассисларни таклиф қилган ҳолда, курашчиларни спорт кураши соҳасидаги энг янги илмий-методик тавсияномалар асосида тайёрлаш бўйича ўқув-машқ жараёнини юқори даражада ташкил қилиш;

назарий тайёргарлик ва техник-тактик кўникмаларни такомиллаштириш, ўқувчиларнинг профессионал қобилиятини ривожлантириш, шунингдек, замонавий спорт курашини ривожлантиришнинг халқаро талабларига мувофиқ ҳолда Ўзбекистон тарма жамоаларини тайёрлаш даражасини ошириш;

Бирлашган кураш усуллари халқаро федерацияси (ФИЛА) тренерларини ўқитиш дастурларидан фойдаланган ҳолда, Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия заҳиралари мактаби тренерларининг малакасини тизимли асосда ошириб бориш;

ўқувчи-курашчилар ва тренерлар таркибининг профессионал маҳоратини ошириш учун таъриба алмашиш борасида спорт кураши бўйича хорижий мактаблар билан ҳамкорликни ривожлантириш.

4. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ, Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия заҳиралари мактабининг маънавият маънавияти:

Давлат бюджети маблағлари;

Спорт курашлари ассоциацияси маблағлари;

ҳомийлар маблағлари ва халқаро ташкилотларнинг грантлари;

конун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Тошкент шаҳри ҳокимлиги бир ой муддатда Ички ишлар вазирлигининг Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Мустақиллик шоҳ кўчасида жойлашган спорт комплексининг тегишли бинолари ва иншоотларини, бошқа мулкларини, «Динамо» стадионини Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия заҳиралари мактабининг балансига белгиланган тартибда бепул ўтказишнинг таъминласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия заҳиралари мактабининг тузилмасини ва мактабга ўқувчиларни танлов асосида қабул қилиш тартибини;

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия заҳиралари мактаби ўқувчиларининг яшаб туриши учун жиҳозлар, озиқ-овқат, шунингдек, спорт экипировкаси ва кийим-бош билан таъминлаш нормативларини;

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия заҳиралари мактаби учун ўқув-машгулот, спорт ва ҳўжалик ускуналари, жиҳозлар, замонавий компьютер техникаси, техник ҳамда транспорт воситалари, шунингдек, бошқа мулкларнинг зарур рўйхатини;

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия заҳиралари мактабини ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Спорт курашлари ассоциацияси билан биргаликда:

бир ой муддатда белгиланган тартибда Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия заҳиралари мактабининг Низоми тасдиқланишини, шунингдек, унинг давлат рўйхатидан ўтказилишини;

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия заҳиралари мактабининг юқори малакали мутахассислар билан таъминланишини, ўқув хоналарининг зарур ўқув-методик адабиётлар билан жиҳозланишини;

икки ой муддатда илгор халқаро тажрибани ҳисобга олган ҳолда, эркин ва юнун-рум кураши бўйича ёш курашчиларни тайёрлаш дастури тасдиқланишини;

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия заҳиралари мактаби ўқувчилари тайёргарлигининг сифати мунтазам равишда мониторинг қилиб борилави ва зарур ҳолларда тайёргарлик жараёнига тегишли тузатишлар киритилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Спорт курашлари ассоциациясига:

Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия заҳиралари мактабига тизимли асосда ташкилий ва ўқув-методик ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга кўмаклашиш;

икки ой муддатда Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия заҳиралари мактабининг тренерларининг малакасини ошириш курсларини ташкил этиш, шунингдек, Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия заҳиралари мактабининг ўқув-машгулот жараёнига Федерациянинг кадрлари ва ўқув-методик салоҳияти жалб этилишини таъминлаш тавсия қилинсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

ушбу қарорга мувофиқ, 2013 йилдан бошлаб ҳар йили, Давлат бюджети параметрларида Спорт курашлари бўйича ихтисослаштирилган олимпия заҳиралари мактабини ташкил қилиш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ҳамда унинг жорий таъминоти билан боғлиқ харажатлар учун зарур маблағ ажратилишини назарда тутсин;

3 та хизмат автотранспорти, шу жумладан, битта автобус таъминоти учун лимит белгилансин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И.КАРИМОВ

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар самарасида истиқлол йилларида мамлакатимиз эришган улкан ютуқлар бутун дунёда эътироф этилмоқда. Барча жабҳалар, шу жумладан, спортни ривожлантириш соҳасида ҳам салмоқли ишлар бажарилди. Бугун Ўзбекистон ҳақи равишда йирик спорт мамлакатидеб аталмоқда. Мамлакатимизда йирик халқаро мусобақаларда улкан ғалабаларни қўлга киритаётган буюк спортчиларни тарбиялаш билан бирга оммавий спортни ривожлантириш учун ҳам барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Бунинг натижасида бугун спорт халқимиз ҳаётининг ажралмас қисмига айланди.

СПОРТ БАРКАМОЛ ИНСОННИ ТАРБИЯЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ Тошкентда Осиё гимнастика иттифоқининг Бош ассамблеяси бўлиб ўтди

Буларнинг барчаси халқаро спорт жамоатчилиги томонидан юксак баҳо-ланмоқда. Шу боис Осиё гимнастика иттифоқининг икки йилда бир марта ўтказиладиган Бош ассамблеясининг айнан Ўзбекистонда бўлиб ўтганида ҳам катта маъно бор. Таъкидлаш жоизки, жорий йилда Осиёнинг кўплаб давлатлари ушбу нуфузли тadbирни ўтказишга давъогарлик қилган эди. Лекин, Осиё гимнастика иттифоқи уни Ўзбекистонда ўтказишга қарор қилди. Бу Ўзбекистоннинг халқаро майдонда катта обрў-эътиборга эга эканидан далолатдир. Бу мамлакатимизда спортнинг энг оммавий турларидан бирига айланган гимнастикани ривожлантиришда кўлга киритилаётган муваффақиятларнинг тасдиғидир.

Осиё гимнастика иттифоқи Бош ассамблеясида Осиёнинг ўттиз давлати-

дан гимнастика миллий федерацияси раҳбарлари ва вакиллари қатнашди.

Тadbирнинг очилишида сўзга чиққан Ўзбекистон гимнастика федерацияси президенти, Осиё гимнастика иттифоқининг фахрий президенти Лола Каримова-Тиллаева АГУ Бош ассамблеясининг ўтказилиши ташкилотчи мамлакат учун шараф эканини таъкидлади. Осиё гимнастика иттифоқи минтақада гимнастиканинг барча турларини ривожлантириш борасида катта ишларни амалга оширмоқда ва бу салмоқли натижалар бермоқда. Осиёда, жумладан, Ўзбекистонда турли мамлакатлар спортчиларининг маҳоратини оширишга хизмат қиладиган кўплаб халқаро мусобақалар ўтказилмоқда. Айниқса, 2012 йил ўзбекистонлик гимнастикачилар учун муваффақиятли бўлди.

(Давоми 2-бетда)

Сўз — ассамблея иштирокчиларига

ЎЗБЕКИСТОНДА СПОРТНИНГ БОШҚА ТУРЛАРИ КАБИ ГИМНАСТИКА ҲАМ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНАЁТИР

Осиё гимнастика иттифоқининг Бош ассамблеясида ўттиз мамлакатдан миллий федерациялар раҳбарлари ва вакиллари иштирок этди. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА мухбирлари анжуман иштирокчиларининг айримлари билан сўхбатда бўлди.

Бруно ГРАНДИ, Халқаро гимнастика федерацияси президенти:

— Мазкур ассамблеяни юксак даражада ташкил этгани учун анжуман ташкилотчиларидан миннатдоримиз. Бугунги кунда гимнастика бутун дунёда изчил тараққий этмоқда. Ўзбекистонда спортнинг бошқа турлари сингари гимнастика ҳам жадал ривожланаётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Мамлакатимизда бадий гимнастика аънавалари мустаҳкам асосга эга. Юртингизда спортчилар учун барча зарур шароитлар яратилган. Ёш авлод ва хотин-қизларнинг саломатлигини мустаҳкамлашда гимнастиканинг аҳамияти беқиёс. Ўзбекистон ёшлари ҳар томонлама, жумладан, спорт соҳасида ҳам ўз қобилиятини кенг намоён этиб келаётганига дунё мамлакатларида ўтказиладиган қатор чемпионатлар чоғида кўп бор амин бўлганмиз.

Абдулрахмон ал-ШАТРИЙ, Осиё гимнастика иттифоқи президенти (Катар):

— Аввало, бош ассамблея мажлисини ўтказиш учун юқори даражада тайёргарлик кўрилгани учун Ўзбекистон гимнастика федерацияси раисига катта миннатдорлик билдираимиз.

Ўзбекистонда спортнинг барча турлари қатори гимнастика ҳам ғоят муҳим ўрин тутганини ва уни ривожлантиришга улкан эътибор қаратиладигани таҳсинга сазовор. Бу борада Ўзбекистон гимнастика федерацияси томонидан кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлашни истардим. Ўзбекистондаги бир неча гимнастика залларини кўриб, бунга яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

(Давоми 2-бетда)



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Жорий йилнинг 17-18 октябрь кунлари пойтахтимизда VIII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркаси бўлиб ўтди. Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан мунтазам ўтказиладиган мазкур тadbирда дунё пахта саноатининг етакчи компания ва фирмалари вакиллари иштирок этади.

● Кегейли туманида аҳолини иш билан таъминлаш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бунда турли давлат ва нодавлат ташкилотлари ҳамкорлигида мунтазам ташкил этиладиган меҳнат ярмаркалари яхши самара бермоқда. Кегейли қурилиш ва ахборот технологиялари касб-хунар коллежида ўтказилган навбатдаги меҳнат бозорида йигирмага яқин корхона ва ташкилот, фермер ҳўжаликлари ўзларида мавжуд бўш иш ўринлари билан иштирок этди. Ярмаркада 73 кишига ишга жойлашиш учун йўлланма берилди.

● Андижон шаҳрида «O'z Auto-Austem» Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонаси Маҳаллийлаштириш дастури доирасида ташкил этилди. Мазкур корхонада мамлакатимизда ишлаб чиқариладиган «Spark», «Lasetti» ва «Cobolt» русумидаги автомобиллар учун дисклар ва шасси қисмлари тайёрланмоқда. Ушбу корхонанинг фаолият бошлаши натижасида 200 га яқин янги иш ўринлари яратилди. Корхона меҳнат жамоасининг аксариятини ёшлар ташкил этади. Мураккаб технологик жараёнларнинг коллежларда таҳсил олган йигит-қизлар томонидан амалга оширилаётгани эътиборга молик.

● Фарғона шаҳрида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими томонидан корхона, ташкилот ва муассасалардаги бошланғич ташкилотлар етакчилари учун «Ватан равнақи йўлида бирлашайлик!» шиори остида ўқув-семинари ташкил этилди. Семинар доирасида вилоятдаги бир қатор бошланғич ташкилотларнинг тақдиротлари, «Энг намунали бошланғич ташкилот» кўрик-танлови ўтказилди.

ЖАҲОНДА


● Англиянинг Сильверстоун шаҳридаги ипподромда Ferrari автомобилларининг дунёдаги энг катта паради ўтказилди. Гинес рекордлар китобига кирган улкан автоташарида 964 та ҳар хил турдаги Ferrari машиналари қатнашди. Сильверстоундаги тadbирда иштирок этган Ferrari суперкарлари орасида 458 Spalder, қудратли F12 Berlinetta ва Крис Эванснинг 17 млн. долларлик энг қimmat Феррариси — 1963 Ferrari 250 GT автомобили ҳам бор.

● Хиндистоннинг юқори сифатли ипак ишлаб чиқарувчи The Chennai Silks компанияси дунёдаги энг қimmat сарини тақдим этди. Сари нозик, ҳиссиётли ва зийнатли ҳинд аёллари либоси ҳисобланади. The Chennai Silks компанияси унга янада кўпроқ эътиборни жалб этишга муваффақ бўлди.

Дунёдаги энг қimmat сари сариқ олтин, платина ва қумуш иплар билан тикилган бўлиб, олмос, ёқут, сарик, сапфир, зумрад тошлар, меҳшук кўзи» ярим қimmat тошлари, топазлар, марварид ва маржонлар билан безатилган. The Chennai Silks сарисининг қиймати 75 000 АҚШ долларини ташкил этади. У қimmat бўлишидан ташқари, яна 7 440 та жаккард илгак, 30 нафар тўқувчи аёл ва 7 ой сердиқкат қўл иши талаб этилган биринчи саридир.

● Италиянинг «Yeni» компанияси Покстон худудидан янги газ конини топишга муваффақ бўлди. Дадү шахри яқинида жойлашган мазкур конда 8,5-11,3 миллиард кубометр атрофида газ борлиги таҳмин қилинмоқда.

● Европада маҳсулотларни генетик ўзгартириш (модификациялаш) жараёни катта моҳирони келтириб чиқарди. Гап шундаки, Франциялик олимлар икки йил давомида маккажўҳорининг янги навларини яратиш борасида тadbқикот ўтказганлар. Модификациялаш усулида яратилган янги маҳсулотлар билан сичконлар озиклантирилган. Уни еган кемирувчилар саратон касаллигига чалиниб, таналарида стол теннис тўпи катталигидаги шишлар пайдо бўлган.



Муҳаммад Амин (ЎЗА) олган суратлар

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистоннинг спорт соҳасидаги шон-шухрати йил сайин ортиб бораётган. Мамлакатимиз вакиллари Олимпия ва Осиё ўйинлари, жаҳон чемпионатлари ва бошқа халқаро турнирлардаги ғалабалари ҳам шундан далолат беради. Биз уларнинг кўплаб олтин, кумуш ва бронза медалларни кўлга киритаётгани, ўзбек спортининг юксак салоҳиятини намойиш этаётгани билан фахрланамиз. Буларнинг барчаси жисмонан соғлом, маънавий етук баркамол авлоди тарбиялаш борасида ғамхўрлик қилиш давлатимиз раҳбари юритаётган сиёсатнинг устувори йўналиши эканининг ёрқин самарасидир. Зеро, Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, бугун уни-ўсиб келаётган фарзандларнинг ҳар томонлама баркамол авлод бўлиб ҳаётга кириб боришини ўзи учун энг улуғ, энг муқаддас мақсад, деб билган мамлакатгина халқро ҳамжамиятда муносиб ўрин эгаллай олади.

Мамлакатимизда бу борада амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар, айниқса, спортни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эгадир. Бугун нафақат шахрларда, балки олис ва чекка қишлоқларда ҳам замонавий спорт иншоотлари барпо этилган. Ишқир спорт майдонларидан қолиш-майдаган кўплаб марказлар ва секциялар, спорт комплекслари ҳамда заллари фаолият кўрсатмоқда. Ўзбекистонда болалар ва ёшларни спортга жалб қилиш бўйича дунёда ўшаши йўқ уч босқичли тизим шакллантирилди. Мактаб, коллеж ва лицей ўқувчиларининг мунтазам ўтказиб келинаётган "Умид нихоллари", "Баркамол авлод", талабаларнинг Универсиада спорт ўйинлари нафақат етук спортчиларни тайёрлаш ва тарбиялаш мактабига, айтишда жамиятимизда соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг муҳим омилига айланди.

Гимнастиканинг барча турлари ушбу вазифани бажаришда муҳим роль ўйнайди. Негаки, ушбу спорт тури билан шуғулланиш нафақат инсоннинг жисмоний гўзаллигини шакллантиради, балки унинг феъл-

ро талабларга тўлиқ жавоб берадиган марказлар ташкил этилди, уларда ҳар куни минглаб ўғил-қизлар ушбу спорт тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Уларнинг энг истиқболли ва иқтидорлилари гимнастика бўйича ўсмирлар ва миллий терма жамоалар сафига қўшилмоқда. Нафақат спорт комплекслари ва ихтисослаштирилган спорт мактаблари, балки умумтаълим мактабларининг спорт залларини замонавий гимнастика инвентарлари билан жиҳозлаш бўйича катта ишлар амалга оширилди.

2007 йилда Гимнастика бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби ва 2011 йилда Бадий гимнастика бўйича болалар-ўсмирлар ихтисослаштирилган республика олимпия захиралари спорт мактаби ташкил қилинди. 2009 йилдан буён гимнастиканинг барча турлари бўйича Ўзбекистон терма жамоалари спортчилари олимпиядага тайёрлаш маркази ҳисобланган Гимнастика саройида шуғулланиш ҳамда йирик мусобақаларни ўтказиш имкониятига эга бўлди.

Жаҳон тажрибаси ҳисобга олинган ҳолда, мураббийлар

ри юқори натижалар кўрсатди. Минтақа давлатларида спортнинг ушбу аҳойиб тури катта салоҳиятга эгадир. Янги, янада юксак марралар сари интилиш лозим ва бунинг учун гимнастикани ривожлантиришга қаратилган янги ғоялар керак. Тошкентдаги учрашувларимиздан кўзланган асосий мақсадимиз ҳам ушбу ғояларни ишлаб чиқишдан иборатдир.

Нуфузли халқаро мусобақаларда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилаётган гимнастикачиларимиз маҳоратининг тобора ортиб бораётгани Ўзбекистонда ушбу спорт турини ривожлантиришга тизимли равишда ёндашилаётганининг самарасидир. Масалан, 2008 йил Пекинда ўтган ёзи Олимпиада ўйинларида Антон Фокин брусда машқ бажариш, Екатеринбургда ўтган Хилько эса батутда сакраш бўйича бронза медалига сазовор бўлди. 2010 йил Хитойда бўлиб ўтган Осиё ўйинларида ҳам спортчиларимиз гимнастика турларида иккита кумуш, учта бронза медали, шунингдек, бадий гимнастика бўйича мамлакатимиз терма жамоаси кумуш медални кўлга киритди. Жорий йил Лондонда-

настика ва рақснинг барча йўналишларини ўзида мужассам этган, барча ёшдаги одамлар жисмоний фаоллигини оширишнинг оммавий турларидан бири бўлган ушбу спорт тури жадал ривожланмоқда. 2006 йилда пойтахтимизда дастлабки республика гимнастра-да фестивали бўлиб ўтди. 2007 йилда Ўзбекистон вакиллари Австрияда ўтган Жаҳон гимнастрадасида муваффақиятли иштирок этди. 2008 йилда эса Португалияда ўтган "Gimfest" халқаро турнирида "Ўзметкомбинат" жамоаси энг яхши деб топилди. 2009 йилда "Гимнастика ҳамма учун" биринчи жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси кумуш, 2010 йил Осиё чемпионатида олтин медалга сазовор бўлди. Натижада 2011 йили Швейцарияда ўтказилган 14-Бутунжаҳон гимнастрадасида мамлакатимиз шарафини икки жамоа ҳимоя қилди. Бу мамлакатимизда гимнастиканинг ушбу йўналишини ривожлантириш борасида самарали ишлар амалга оширилаётганидан далолатдир.

Мажлисда Осиё гимнастика иттифоқининг китъамиз турли географик ҳудудлари бўйича вице-президентлари сўзга чиқиб, форум қатнашчиларига ўтган даврда бажарилган ишлар ва Осиёда гимнастикани ривожлантириш йўналишлари ҳақида батафсил ахборот берди.

Тадбирда Ўзбекистон нафақат Осиё, балки дунёнинг кўплаб мамлакатларига гимнастиканинг асосий турларини тизимли равишда ривожлантириш, шунингдек, спортнинг оммавийлик ва шахсини комплекс тарбиялашга қаратилган энг муҳим принципларини ҳаётга татбиқ этишда намуна бўлаётгани таъкидланди. Буларнинг барчаси Президентимиз Ислам Каримов томонидан олиб борилаётган пухта ўйланган, оқилона сиёсатнинг амалдаги самараларидир. Бу сиёсатнинг асосий мақсади Ўзбекистонда инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама таъминлаш ҳамда бунинг учун барча зарур шарт-шароитларни яратилган иборат экани алоҳида қайд этилди.

Мажлисда миллий гимнастика федерацияларининг Осиё минтақасида ушбу спорт турининг барча йўналишларини янада ривожлантиришга қаратилган вазифалари, 2013 йилда бўлиб ўтадиган навбатдаги Осиё ўйинларига тайёргарликнинг боришига оид масалалар муҳокама этилди. Ушбу йўналишдаги ишларни янада яхшилаш, спортчиларни тайёрлаш даражасини ошириш ва шу мақсадда энг илғор спорт, илмий ҳамда тиббиёт технологияларидан фойдаланиш учун миллий гимнастика федерацияларининг кенг ҳамкорлигини таъминлаш ҳамда уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Анна ИВАНОВА,
ЎЗА мухбири

ЛАТВИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

Мамлакатимизга ташриф буюрган Латвия Республикаси Сейми раисининг ўринбосари Андрей Клементьев раҳбарлигидаги делегация аъзолари 25 сентябрь кунни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмухамедова ва Сенати Раиси И.Собиров билан учрашди.

Мулоқотлар чоғида Ўзбекистон билан Латвия ўртасидаги алоқалар кўплаб жаҳонларда, жумладан, парламентаризм соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Икки томонлама алоқаларнинг ҳуқуқий асосини мустаҳкамлашда парламентларо ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этиши қайд этилди.

Ўзбекистон билан Латвия ўртасида савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий соҳалардаги ҳамкорлигини мустаҳкам ҳуқуқий асоси мавжуд. Турли соҳалар бўйича ҳамкорлик тўғрисидаги қатор битимлар имзоланган. Савдо алоқалари борасида Ўзбекистон билан Латвия ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тартиби жорий қилинган.

Ўзбекистон билан Латвия ўртасида парламентаризм соҳасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқалари изчил ривожланиб бораётган. Мамлакатларимиз парламентлари аъзолари делегацияларининг учрашувлари мунтазамлик касб этаётган.

Музокаралар чоғида томонлар парламентларо ҳамкорлигини янада ривожлантириш масалаларини муҳокама қилдилар. Меҳмонларга Ўзбекистоннинг икки палатали парламенти фаолияти тўғрисида сўзлаб берилди.

– Ўзбекистон билан Латвиянинг кўп томонлама иқтисодий ҳамкорлигини янада ривожлантириш учун улкан имкониятлар мавжуд, – деди ЎЗА мухбирига Андрей Клементьев. – Латвиянинг машинасозлик, транзит юк ташиш, юқори технологиялар ишлаб чиқаришга ихтисослашган компаниялари юртингиз бозорига катта қизиқиш билан қарамокда. Икки томонлама фойда келтирувчи бу жараён мамлакатларимиз ишбилармонларининг тўғридан-тўғри амалий мулоқотлари кенгайтиришдан манфаатдорлигига асосланади. Латвия ҳам, Ўзбекистон ҳам халқаро савдо йўллари чорраҳасида жойлашган ва бу омиладан бугунги кунда ҳам савдонинг ривожлантиришда самарали фойдаланиш мумкин. Ўзбекистонда яратилган қулай шароитлар муҳит бу жараёни ривожлантиришга хизмат қилади. Мамлакатларимиз ўртасидаги парламентларо ва савдо-иқтисодий ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш тарафдоримиз.

Мадина УМАРОВА

ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШДА МУҲИМ ОМИЛ

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази билан ҳамкорликда «Давлат тест синовларини ўтказиш борасида орттирилган тажриба ва эришилган натижалар, кўрсаткич ва хулосалар. Тест синовларининг одил ва ҳаққоний тарзда ўтишини таъминлаш борасида олиб борилаётган чора-тадбирлар» мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

Мамлакатимизда таълим тизимини жаҳон стандартлари даражасига олиб чиқиш борасида амалга оширилаётган ишлар барча соҳаларни юқори малакали, билимли кадрлар билан таъминлашда муҳим омил бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 14 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори билан Давлат тест маркази (ДТМ) ташкил этилган. Мазкур қарорда ДТМга олий ва ўрта махсус ўқув юртиларида тест синовларини ташкил этиш ва ўтказиш ишларини бажариш вазифаси юклатилган.

Президентимиз Ислам Каримовнинг жорий йил 7 майда қабул қилинган «2012/2013 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ жорий йилги кириш имтиҳонлари ҳам юқори савияда ўтказилди.

Анжуман давомида 2012 йилги тест синовлари 633 та бино, 12680 та аудиторияда ўтказилгани, тест саволлари жамғармаси Халқ таълими вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази томонидан 2011-2012 ўқув йилида ўқув жараёнида фойдаланиш учун тавсия этилган дарсликлар ва ўқув адабиётларида берилган мавзулар асосида ишлаб чиқилгани, бу йил мамлакатимиз олий ўқув юртиларига 432 мингдан зиёд йилгит-қиз ҳужжат топширгани, қабул квотаси бўйича бир ўринга 7,6 даъвогар тўғри келгани ва бошқа маълумотлар берилди.

Бундан ташқари Халқаро ва республика фан олимпиадалари, танлов ва мусобақалар ғолиблари, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндорлари, мударри халқий хизматдан бўшаш чоғида олий таълим муассасаларига кириш учун тавсияномалар олган ҳарбий хизматчилар ўз имтиҳонларидан тўла фойдалангани айтиб ўтилди.

Анжуманда журналистларни қизиқтирган саволларга жавоблар қайтарилди.

Нилуфар АБДУРАХМОНОВА

СПОРТ БАРКАМОЛ ИНСОННИ ТАРБИЯЛАШГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

атвори, энг яхши фазилатларини ривожлантиради, ирода-сини чиниктиради, олдида кўйган мақсадига эришишга интилишини кучайтиради.

Осиё гимнастика иттифоқи президенти Абдулрахмон ал-Шатрий Ўзбекистон гимнастика федерацияси ушбу спорт турининг барча асосий йўналишларини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшаётганини ва АГУ Бош ассамблеясининг Тошкентда юксак савияда ташкил этилганини таъкидлади. Буларнинг барчаси Осиё давлатларида спортчилар, мураббийлар ва ҳакамларни тайёрлаш сифатини ошириш, халқаро мусобақаларни кун сайин ортиб бораётган давр талабларига мувофиқ ўтказиш ва гимнастикани жаҳонда янада оммалаштиришга хизмат қилади.

2005 йилда ташкил қилинган Ўзбекистон гимнастика федерацияси мамлакатимизда ушбу спортнинг барча асосий турлари – эркалар ва аёллар спорт гимнастикаси, бадий гимнастика, гимнастика трамполини ва акробатика, шунингдек, барча учун мўлжалланган гимнастикани оммалаштиришга доир изчил ишларни амалга оширмоқда. Давлатимизнинг ҳар томонлама кўмагида бу борадаги фаолият ҳақиқатан умуммиллий микёс касб этди. Янги, истеъдодли спортчиларни аниқлашга ёрдам бераётган минтақавий ва республика мусобақалари мунтазам ўтказилаётган. Мамлакатимизнинг барча вилоятларида гимнастика билан шуғулланиш учун халқа-

малакасини оширишга катта эътибор берилмоқда. Бу борада истиқболли илмий ва тиббий янгиликларни ўрганиш, спортчиларни тайёрлаш, шунингдек, спорт ускуналарини ишлаб чиқаришга жорий этиш – буларнинг барчаси спортни янада оммалаштириш, саломатлик омилига айлантиришга хизмат қилаётган. Ўзбекистон гимнастика федерацияси шу мақсадда Халқаро гимнастика федерацияси ва Осиё гимнастика иттифоқи томонидан ўтказилаётган халқаро форумларда фаол иштирок этиб келмоқда. Илғор тажрибани оммалаштириш учун пойтахтимиз ва вилоятларида халқаро ҳамда маҳаллий мутахассислар иштирокида мураббийлар ва ҳакамлар учун семинарлар мунтазам ташкил этилмоқда. Буларнинг барчаси, биринчи навбатда, мамлакатимиз ҳудудларида спортчиларни тайёрлаш даражасини оширишга ёрдам бераётган. Бугунги кунда бадий гимнастика бўйича миллий терма жамоамиз таркибининг 70 фоизи ҳудудлардаги гимнастика мактаблари тарбияланувчиларидан иборатлиги шундан далолатдир.

Халқаро гимнастика федерацияси президенти Бруно Гранди Ўзбекистон гимнастика федерацияси ўз фаолиятини самарали амалга ошираётгани учун миннатдорлик билдирди ва ўз гимнастикани бутун дунёда ривожлантиришга ёрдам беришини таъкидлади. Лондонда яқинда бўлиб ўтган ёзи Олимпиада ўйинларида Осиё мамлакатлари гимнастикачи-

ги ёзи Олимпиада ўйинларида Ульяна Трофимова бадий гимнастика беллашувларида муносиб иштирок этди. Қисқа айтганда, халқаро сўров натижаларига кўра, Ульяна жаҳоннинг энг мафтункор гимнастикачиларидан бири, деб тан олинди. Мамлакатимиз спортчилари гимнастика турлари бўйича жаҳон ва Осиё чемпионатлари, кўплаб халқаро мусобақаларда совринли ўринларни мунтазам кўлга киритиб келмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда бадий гимнастикага алоҳида аҳамият берилмоқда. Негаки, бу спорт тури билан шуғулланиш бугунги кунда – қизлар учун ниҳоятда муҳимдир. Гимнастика уларни жисмоний ва эстетик тарбиялаш, ички маънавий гўзаллигини шакллантиришга ёрдам беради. 2004, 2005, 2011 ва 2012 йилларида Тошкентда бадий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичлари, 2010 йилда ўсмирлар ўртасида Осиё чемпионатининг ўтказилгани ҳам Ўзбекистонда ушбу спорт турини ривожлантиришда эришилган салмоқли натижалар эътирофининг ёрқин тасдиғидир.

Спортнинг асосий вазифаси – бу фақат муваффақиятларга эришиш эмас, балки, биринчи навбатда, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва аҳоли, аввало, болалар ҳамда ёшлар саломатлигини мустаҳкамлашдан иборатдир. Гимнастика бу вазифаларга тўлиқ жавоб беради. Шу сабабли мамлакатимизда гим-

ЎЗБЕКИСТОНДА СПОРТНИНГ БОШҚА ТУРЛАРИ КАБИ ГИМНАСТИКА ҲАМ ЖАДАЛ РИВОЖЛАНАЁТИР

(Давоми. Боши 1-бетда)

Мамлакатимизда ушбу спорт тури бўйича кўплаб иқтидорли ва маҳоратли бадий гимнастикачи қизлар етишиб чиқаётган. Улар ўзларининг муваффақиятлари билан жаҳонда тобора кенг ном қозонмоқда.

ТАТЦИО АРАКИ, Осиё гимнастика иттифоқининг вице-президенти (Япония):

– «Гимнастика ҳамма учун» кўмитаси асосий эътиборини нафис спорт турининг барча йўналишлари – спорт гимнастикаси, бадий гимнастика, гимнастра-да, трамполини, акробатикани ҳақ бўйлаб тарғиб қилиш, ривожлантириш орқали аҳолининг барча қатламлари ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топ-тиришга қаратиб келмоқда.

Ўзбекистондаги ўзгаришлар, бунёдкорлик ишлари кўзни қувонтиради. Мамлакатимизда спортнинг барча турлари, жумладан, гимнастикани ривожлантириш, ёш авлод ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, уларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш борасида ҳавас қилса аргизулик ишлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлди.

Мазкур анжуман кўплаб мамлакатлардан келган соҳа мутахассислари, эксперт ва олимлар билан фикр ва тажриба алмашиш имконини берди.

Секита ШИХОКО хоним, Япония гимнастика уюшмаса президенти:

– Мазкур анжуман юқори савияда ташкил этилгани алоҳида қайд этмоқчиман. Мамлакатимизда гимнастикани ривожлантиришга қаратилган юксак эътибор ва Ўзбекистон ёшлари бу имкониятлардан самарали фойдаланаётгани таҳсинга сазовор. Гимнастикачилар учун яратилган шароит ва имкони-

ятлар халқаро талабларга тўла мос келади. Улкан иқтидор ва интеллектуал салоҳиятга эга Ўзбекистон ёшлари барча соҳаларда ўз қобилиятини кенг намойён этиб келаётган. Кўплаб олтин медалларни кўлга киритаётган Ўзбекистонлик спорт малакалари жаҳон ареналарида янада юқори чўққиларни забт этиши шубҳасиз. Ўзбекистоннинг бетакор табиати, гўзал шахар-қишлоқлари меҳмондўст одамларига жуда ҳавасим келди.

Юди Ваҳо УТОМО, Индонезия гимнастика уюшмаса бош котиби:

– Ўзбекистоннинг спорт соҳасидаги нуфузи ҳам йилдан йилга ортиб бормоқда. Буни йирик халқаро турнирлар, жаҳон чемпионатлари, Олимпия ва Осиё ўйинларида Ўзбекистон вакиллари кўлга киритаётган юксак ғалабалар яққол тасдиқлайди. Буларнинг барчаси Президент Ислам Каримов раҳнаомлигида жисмонан соғлом, маънан етук ва юксак заковатли баркамол авлодни тарбиялаш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар самараларидир. Ўзбекистон гимнастика федерацияси томонидан мамлакатимизда мазкур спорт турини ривожлантириш ва оммалаштириш борасида жуда катта ишлар амалга оширилаётгани эътиборга молик.

Паинда МАЛИК, Осиё гимнастика иттифоқи вице-президенти (Покистон):

– Ўзбекистон – гимнастика изчил ривожланаётган мамлакатлардандир. Ўртағинчи даврда ҳудудларида, қишлоқларида ҳам халқаро андозалар даражасида жиҳозланган, барча қулайликларга эга кўплаб замонавий спорт иншоотлари, жумладан, гимнастика заллари барпо этилганидан хабардоримиз. Ўзбекистонлик гимнастикачилар ва уларнинг жаҳон спорт майдонларида кўлга киритаётган муваффақиятлари ҳақида

Мамлакатимизда ёшларимизнинг билимли, ҳунарли, жисмонан соғлом, маънан етук бўлиб камол топиши йўлида барча шароитлар яратилмоқда.

Пойтахт умумтаълим мактабларида қўшимча дарслар, синфдан ташқари машғулотлар ташкил қилиш орқали ўқувчиларнинг бўш вақтларидан унумли фойдаланишлари эришиш мақсадида Тошкент шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси тасарруфидоги мактабдан ташқари таълим муассасаларида «Очиқ эшиклар куни» тадбири ўтказилди.

Тадбирга ўқувчилар, уларнинг ота-оналари ва устозлари ташриф буюриб, таълим даргоҳларида яратилган шароитлар, ташкил этилган тўғаракларнинг фаолиятини ўрганишди.

— «Очиқ эшиклар куни» тадбирида мактабдан ташқари таълим муассасаларида қатнайдиган ўқувчилар томонидан мастер-класслар, мусикий чиқишлар, турли йўналишдаги тўғаракларда (зардўзлик, мунчоқли безак, дўппидўзлик ва ҳ.к.) бажарган ижодий ишларини намойиш қилдилар, — дейди ТШХТББ Маънавий-ахлоқий тарбия ва спорт бўлими бош мутахассиси Замира Азимбоева. — Шунингдек, ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш, уларни турли хил оммавий таҳдидлардан ҳимоялаб, баркамол қилиб тарбиялаш мақсадида умумтаълим мактабларида ташкил этилган тўғараклар кўпайтирилди, маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Бугунги кунга келиб умумтаълим мактабларида болаларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш мақсадида ташкил этилган тўғараклар сони 11123 тани, уларга жалб этилган ўқувчилар сони 225261 нафарни ташкил этади. Шунингдек, мунтазам равишда спорт билан шуғулланувчи вояга етмаганлар сони 48721 нафарни ташкил этишни айтиб ўтиш мумкин. Бундан ташқари Тошкент шаҳрида 12 та «Баркамол авлод» болалар марказлари фаолият юрताди. Бу ерда ташкил этилган тўғаракларга ташриф буюрган ўқувчилар ўзларининг иқтидорларини янада оширадилар. Ўтказилган «Очиқ эшиклар куни» тадбири жараёнида марказлардаги тўғаракларга қатнайдиган ўқувчилар сони бир неча баробарга ортди.

Жумладан, Тошкент шаҳар «Баркамол авлод» болалар марказида техник ижодкорлик, бади-

ИҚТИДОРЛИ ВА ИСТЕЪДОДЛИ АВЛОДЛАР ЮРТИ



Асқар Ёқубов (ЎЗА) олган сурат

ий ижодиёт, ўлкашунослик ва экология йўналишлари бўйича тўғараклар фаолият кўрсатмоқда.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш ҳақида»ги қарори ижросини таъминлаш, мактабдан ташқари таълимни ривожлантириш, вояга етмаган ўқувчи-

ёшлар ўртасида турли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни ижодий ва бадиий қобилиятларига кўра тўғаракларга жалб этиш, касб-ҳунарга йўналтириш мақсадида «Баркамол авлод» марказлари фаолият олиб боради, шунга кўра Бош бошқарма ташаббуси билан Тошкент шаҳри мактаблари ўқувчилари учун «Иқтидорли ва истеъдодли баркамол авлод» шiori остида очик эшиклар куни ўтказилди, — дейди Тошкент шаҳар «Баркамол авлод» болалар маркази маданий-оммавий ишлар ташкилотчиси Гулбахор Қобилова. — Ушбу тадбирда Тошкент шаҳар «Баркамол авлод» болалар маркази тўғаракларининг тақдими бўлиб ўтди. Тадбир доирасида бадиий ижодиёт ва техник ижодиёти йўналишида фаолият олиб борувчи тўғаракларнинг ижодий кўргазмалари ва маҳорат мактаблари ўтказилди, бадиий нафосат йўналишидаги тўғаракларнинг концерт дастури намойиш этилди. Бинонинг ичида ўқувчилар маъмурий бўлим фаолияти, тўғаракларнинг ўтган ўқув йилларидаги ютуқлари, тўғарак хоналаридаги шарт-шароит, хона ва бино йўлакларидоги тўғарак аъзоларининг ишларидан ташкил этилган кўргазмалар билан таништирилди.

Мазкур тадбирда «Компьютер дизайни ва графика», «Радиотехника», «Ёш мусаввир», «Тўқиш», «Мунчоқли безак», «Тасвирий санъат», «Майда пластика», «Ёш экскурсиячи», «Бишиш-тиқиш», «Либос дизайни», «Либосларни моделлаштириш», «Ёш журналист», «Фольклор-вокал», «Фольклор-рақс», «Фольклор-дутор», «Фольклор-доира», «Бошланғич техник моделлаштириш» тўғараклари ўз фаолиятини ёритиб берди. Ҳар бир тўғарак раҳбари томонидан тўғарак фаолиятига қизиққан ўқувчиларга ташрифномалар тарқатилди. Тўғаракка аъзо бўлиш истагида бўлган ўқувчилар рўйхати тuzилди. Тадбирга Мирзо Улуғбек туманидаги мактаблардан жами 766 нафар ўқувчи, Миробод, Ҳамза, Чилонзор туманидаги мактаблардан 291 нафар ўқувчи ташриф буюрди.

Тадбир натижаларига кўра марказ тўғаракларига 325 нафар ўқувчи аъзо бўлиш истагини билдирди.

Зиёда РАСУЛОВА

Анжуманлар

МУСТАҲКАМ ОИЛА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Ўзбекистон Бадиий академияси, Камолитдин Беҳзод номидаги Миллий рассомчилик ва дизайн институти ташкилотчилигида «Мустаҳкам оила — жамият таянчи» мавзусида профессор-ўқитувчилар, ижодкорлар, талабалар иштирокида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Анжуман ялпи мажлиси Ўзбекистон Бадиий академияси раиси Акмал Нуриддинов, академия бош илмий котиби Абдумажид Мадраимов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаты Олтиной Эсонова, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат бўлими прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси Исмоил Абдуҳакимов, профессор Васила Каримова, Республика «Оила» илмий-амалий маркази илмий ходими Раҳима Тўрақуловаларнинг «Оила — тарбия маскани», «Бадиий таълим тизимида оила масалаларини ўрганишда ўрта аср миниатюра санъатининг аҳамияти», «Оила — давлат ва жамият муҳофафасида», «Мустаҳкам оила — жамият барқарорлигининг асоси», «Мустаҳкам оилани шакллантиришнинг психологик шарт-шароитлари», «Соғлом авлодни шакллантиришда оила муҳитининг ўрни» каби маърузалари билан бошланди. Уларда илмий-амалий ечимлар, ижодкорлар фаолияти бўйича ҳаётий лавҳалар асосида атрофлича фикр юритилди.

Анжуманга Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар олий ва ўрта махсус ўқув юртлари вакиллари 90 га яқин маъруза ва бошқа илмий-амалий чиқишлари тақдим этилган. Улар орасида қатор талаба-ёшларнинг «Устоз-шогирд» тизими асосида тайёрлаган ишлари эътиборга лойиқдир. Тақдим этилган маъруза ва бошқа чиқишларни анжуман материаллари тўплами сифатида китоб қилиб нашр этишга қарор қилинди.

Анжуман материалларининг нашр этилиб тарқатиши ижодий ишларда истиқболдаги режаларни белгилашда фикр алмашиш имкониятини янада кенгайтиради. Ёшлар учун қомил инсон бўлиб етишишларида, етук мутахассис бўлишларида асқотади.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

Санъат

БАРЧА ШАРОИТЛАР ЯРАТИЛГАН

Биз циркни мўъжиза яратувчи санъат деб эъозлаймиз. Кенг омма тушуна оладиган бу ижод тури ўлкаимизда кўпдан бери маълум. Республикамизда биринчи ўзбек цирки ташкил топганига 100 йил бўлди.

Унга Тошкенбой Эгамбердиев, Карим Зарипов сингари машҳур санъат усталари бош-қош бўлишган эди. Ўзбекистон халқ артисти Обиджон Тошкенбоев раҳбарлигидаги ўзбек дорбозлари гуруҳининг гастрол томошаларини кўпчилик ҳали-ҳали яхши эслайди. Тошкенда янги цирк биноси бунёд этилиши нур устига аъло нур бўлди. Бу санъат қасри пойтахтимизнинг Хадра майдони ҳуснига ҳусн қўшиб турибди.

Унда бир йўла уч минг томошабин цирк дастурларини бемалол кўриш имконига эга. Фил, айиқ, от, маймун, ит ва қўшлар учун махсус хоналар ажратилган. Мўҳими, бу ерда цирк жамоасига янги-янги дастурлар яратиш учун барча шароитлар муҳайё қилинган. Унинг нозик дид билан ишланган фойеси ҳам эътиборни ўзига тортади. Томоша залининг катталиги жиҳатидан Москва циркидан кейин иккинчи ўринда бўлган Тошкент давлат цирки чироқлари порлаганда томошабинлар кўзи ўнгидан санъат қасрининг моҳир ижодий гуруҳлари, гастролга келган жамоалар ўз истеъодларини намойиш қиладилар.

Ақбар АЛИЕВ

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибиде ўтказиладиган очик аукцион савдосига тақлиф этади!

Қибрай туман СИБ томонидан 06.04.2012 й. № 11-1228/1972-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Матқабулова Қ.Ф.И., Юқори юз кўчасида жойлашган 2 қаватли савдо дўкони. Бошланғич баҳоси 118 750 000 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 26 октябр кўни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулк 2012 йил 26 октябр кўни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкни сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 12 ноябр кўни бўлиб ўтишини маълум қиламиз. Савдога қўйилган кўчмас мулк билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кўнари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закатат пулини «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ Тошкент шаҳар, «Ипотека банк» АТБ Шайхонтоҳур филиалига қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 2020 8000 5049 3605 0002, МФО: 00425, СТИР: 207125885. Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184 - уй. Телефон: (8 - 371) 266-80-76. Лицензия: RR-0052

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши шаҳар Кенгаши депутати Тўрабой Турсунович Назаровга ораси **Мухаррам Турсуновна ҒАФФОРОВА**нинг вафот этганлиги мунсабаб билан чуқур таъзия билдиради.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Табиий газдан фойдаланувчи Тошкент шаҳри аҳолиси диққатига!

2012 йил 1 октябрдан табиий газ учун аввал тасдиқланган тарифлар (2012 йил 15 мартда тасдиқланган 19-03-22-05-ПУЗ-8-2012 реестр) ўрнига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 17 сентябрь 2012 йилда тасдиқланган №19-03-22-05-ПУЗ-47-2012 реестрига асосан янги тарифлар жорий қилинади.

Умумий кўрсатмалар

1. Ушбу Нархнома тарифлари Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги аҳолига бериладиган табиий газга тааллуқли.

2. Аҳоли томонидан уйлар ва хонадонларни яқка тартибда иситиш учун фойдаланилган табиий газ ҳақи, иситиш газ асбобидан қатъи назар, иситиш мавсумининг беш ойи мобайнида ойма-ой тенг миқдорда белгиланади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги томонидан иситиш мавсуми беш ойдан кўп ёки кам белгиланса, фойдаланилган табиий газ ҳақи тегишли равишда қайта ҳисоб-китоб қилинади.

3. Истеъмолчида икки ёки ундан ортқ газ плиталари ёки иссиқ сув таъминоти учун сув иситгичлар мавжуд бўлса, ушбу газ асбоблари учун газ сарфи меъёри икки ёки ундан ортқ бараварга оширилади.

4. Хонадонига газ ҳисоблагич ўрнатилган аҳоли томонидан фойдаланилган газ учун тўлов газ ҳисоблагичлар кўрсаткичи ва ушбу Нархномада кўрсатилган тариф бўйича амалга оширилади.

5. Табиий газдан фойдаланиш учун тўлов миқдорларини белгилашда хонадонда барча яшовчилар, шу жумладан вақтинча яшовчилар ҳам ҳисобга олинади.

6. Истиладиغان хоналарга иситиш асбоби (иситиш юзаси жойлашган) жойдан қатъи назар барча фойдали майдон

киради: хоналар, ванналар, ошхоналар, ушбу иситиладиган майдондан ташқари (айвонлар, деразали балконлар ва бошқа қўшимча қурилишлар).

7. Нархноманинг 2-бўлими тарифлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 28 мартдаги 99-сонли ва 2003 йил 2 октябрдаги 421-сонли қарорлари билан тасдиқланган аҳолига бериладиган табиий газ сарфи меъёрларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.

Истиладиغان майдон меъёри бир кишига 43 метр куб ҳисобида белгиланган.

Истиладиغان хонанинг меъёрий ҳажмини (бир кишига 43 метр куб) иситиш учун фойдаланиладиган газ ҳажми учун тўлов белгиланган тарифлар бўйича амалга оширилади, иситиладиган хонанинг меъёрдан юқори ҳажми учун тўлов эса газ ҳажмининг бир ярим баравари ҳисобида амалга оширилади.

8. Табиий газдан иссиқхоналар, алоҳида (автоном) сув иситгичлар ва иситиш қозонлари учун фойдаланилса, шунингдек, яқка тартибда меҳнат фаолияти билан шуғулланишда тандирлар, овқат пишириш қозонлари учун фойдаланилса, табиий газ ҳақи улгуржи истеъмолчилар учун белгиланган тарифлар бўйича тўланади. Агарда, газ ҳисоблагич бўлмаса, сарфланган табиий газ ҳажми газ асбобининг тўла (максимал) қувватда (24 соат) ишлайдиган иш тартиби ва шартнома билан белгиланган иситиш даври бўйича аниқланади.

9. Ушбу Нархноманинг «Умумий кўрсатмалари» келгусидаги барча қўшимча нархномаларга тааллуқли, агарда қўшимча кўрсатмаларда бўлак ҳолатлар баён қилинмаган бўлса.

1. Табиий газдан фойдаланишга аҳоли учун белгиланган тарифлар:

№	Истеъмолчилар турлари	Стандарт ёки ТУ	Ўлчов бирлиги	Ўлчов бирлиги учун тариф (сўм)
1.1	Газ ҳисоблагич ўрнатилган аҳоли хонадонларига етказиб бериладиган газ	ГОСТ 5542-87	10 метр куб	1 228,50
1.2	Газ ҳисоблагич асбоблари ўрнатилмаган аҳоли хонадонларига бериладиган газ: Овқат пишириш ва иссиқ сув таъминоти учун	-/-	10 метр куб	2 125,28
	Иситиш учун	-/-	10 метр куб	985,60

2. Коммунал маиший эҳтиёжлар учун табиий газдан фойдаланишда газ ҳисоблагич асбоблари ўрнатилмаган хонадонлар учун белгиланган тарифлар (ГОСТ 5542-87):

№	Истеъмолчилар тавсифномаси	Ўлчов бирлиги	Тариф бўйича тўлов (сўм)	
			Йиллик	ойлик
2.1	Марказий (яқка) иссиқ сув таъминотига эга бўлган уйларда овқат пишириш учун маиший газ плитаси	1 кишига 11 метр куб	28 053,60	2 337,80
2.2	Марказий иссиқ сув таъминотига эга бўлмаган уйларда овқат пишириш учун маиший газ плитаси	1 кишига 15 метр куб	38 254,80	3 187,90
2.3	Марказий иссиқ сув таъминотига эга бўлмаган ёки иссиқ сув билан вақти- вақти билан таъминланадиган уйларда иссиқ сув билан таъминлаш учун сув иситгич	1 кишига 16 метр куб	40 805,40	3 400,45
2.4	Иситувчи газ асбобининг туридан қатъи назар, уйлар яқка тартибда иситиладиган шароитда, беш ойдан иборат иситиш мавсумидан келиб чиққан ҳолда, газдан йил мобайнида бир маромда фойдаланиш	Хонанинг 1 метр кубга 5,76 метр куб	2 838,50	567,70

Эслатма: Аҳоли газ истеъмолчилари томонидан 2012 йил 1 октябрда сарфланган газ ҳақи газ ҳисоблагич кўрсаткичи бўйича 2012 йилнинг 10 октябрга эски тариф (10 м.куб — 945,00 сўм) ҳисобида олинади. 2012 йилнинг 10 октябрдан бошлаб сарфланган газ ҳақи янги тариф бўйича амалга оширилади.

Улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериладиган табиий газ нархи:

2012 йил 1 октябрдан жорий қилинади реестр № 19-03-22-05-ПУЗ-48-2012

	Ўлчов бирлиги	Улгуржи нарх, қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС) билан (сўм)
Улгуржи истеъмолчиларга етказиб бериладиган табиий газ нархи	1000 м.куб	128 000

Иссиқлик манбаи корхоналари учун табиий газ нархи:

2012 йил 1 октябрдан жорий қилинади реестр № 19-03-22-05-ПУЗ-49-2012

	Ўлчов бирлиги	Улгуржи нарх, қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС) билан (сўм)
«Иссиқлик манбаи» корхоналари учун етказиб бериладиган табиий газ нархи	1000 м. куб	122 850

«Тошкентгазтаъминот» УК «Тошкентшаҳаргаз» филиали.
Ижр: Иқтисодиёт ва меҳнатга ҳақ тўлаш бўлими.
Тел: 255-55-18.

